

## Рамазон Қуръон ойи

05:00 / 14.01.2017 7725

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Инсонлар учун ҳидоят маёғи бўлмиш Каломини Рамазон ойида осмондан ерга нозил қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Қалбига нозил бўлган Қуръони Карим оятларини ҳар Рамазон ваҳий фариштаси билан дарс қилиб, умматларига бу ойнинг вазифасини таълим берган Муҳаммад Мустафога салоту саломлар бўлсин!

Рамазон ойини Қуръон ойи сифатида ўтказиб, икки шафоат омилини ўзларида жамлаган саҳобаи киромлар ва уларга эргашган зотларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин!

Рамазон ойи – Қуръон ойдир. Бу ой Ислом уммати учун ҳақиқий байрамдир. Зеро, бу ойда Роббимизнинг Каломи Қуръони Карим нозил бўлган.

1) Рамазон – Қуръон ойи! Бу ойни ою қуёшни, еру осмонни, бутун коинотни йўқдан бор қилган Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръон ойи қилиб белгилаган. Бу ойни Ўз Каломи нозил бўлиши учун муддат сифатида танлаган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай деб марҳамат қилади:

**«Рамазон ойи - унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуққондан иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган» (185-оят).**

Қуръони Карим Рамазон ойининг муайян кечасида, яъни муборак бир кечада нозил бўлган. Аллоҳ таоло айтади:

**«Ҳа. Мим. Очик-ойдин Китобга қасам! Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик» (Духон сураси, 1–2-оятлар).**

Қуръони Карим нозил бўлган бу улуғ кеча Рамазонга хос бир тун бўлиб, дунё қечаларининг энг улуғи бўлмиш Қадр кечаси эди:

**«Албатта, Биз уни Қадр кечаси нозил қилдик. Қадр кечаси нима эканини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшидир»**  
(Қадр сураси, 1–3-оятлар).

Аллоҳ таолонинг ҳар бир иши ҳикматга бойдир. Айнан Қуръони Каримни нозил қилиш Ўзининг қазою қадарида бор экан, қайси ойда бўлса ҳам тушириши мумкин эди. Аммо У Зот Ўзининг чексиз илми ва ҳикмати билан Қуръони Каримни айнан Рамазон ойида нозил қилди. Бунда қанчалар ҳикмат борлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Ўша ҳикматлардан бири – Аллоҳ таоло аввалги самовий китобларини ҳам шу ойда нозил қилган:

عَلَيْهِ لَوْلَا إِيمَانُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ لَخَبِثَ فِئْتَانِنَا فِي سُبُلِنَا وَلَوْلَا كِتَابُ رَبِّنَا لَأَخَذْنَا مِنْهُمُ اثْقَالًا مِمَّا يَكْتُمُونَ  
لَوْلَا إِيمَانُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ لَخَبِثَ فِئْتَانِنَا فِي سُبُلِنَا وَلَوْلَا كِتَابُ رَبِّنَا لَأَخَذْنَا مِنْهُمُ اثْقَالًا مِمَّا يَكْتُمُونَ  
لَوْلَا إِيمَانُ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ لَخَبِثَ فِئْتَانِنَا فِي سُبُلِنَا وَلَوْلَا كِتَابُ رَبِّنَا لَأَخَذْنَا مِنْهُمُ اثْقَالًا مِمَّا يَكْتُمُونَ

Восила ибн Асқаъ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Иброҳим саҳифа лари Рамазон ойининг биринчи кечаси нозил қилинган, Таврот Рамазоннинг олтинчи куни нозил қилинган, Инжил Рамазон ойининг ўн учинчи куни нозил қилинган, Забур Рамазон ойидан ўн саккиз кун ўтганда нозил қилинган, Қуръон Рамазон ойидан йигирма тўрт кун ўтканда нозил қилинган».**

*Имом Аҳмад, Табароний, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилган.*

Ҳалимий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Йигирма тўрт кун ўтканда деганда йигирма бешинчи кечани ирода қилганлар».

Демак, Рамазон ойини Аллоҳ таолонинг Ўзи шарафлаган., Аллоҳ таоло инсониятга Ўз рисоаларини юборишга айнан Рамазон ойини танлаган. Хусусан, ҳанифийлик миллати бўлмиш Иброҳим алайҳиссалом миллати вакилларига юборган Каломларини фақат Рамазон ойида туширган. Рамазон ойининг улуғлигига ҳамда унинг хусусияти, фазилати нимада эканига шунинг ўзи кифоя.

Шу жумладан, Аллоҳ таоло Ўзининг сўнги Пайғамбарига туширган сўнги Китоби Қуръони Каримни ҳам Лавҳул-маҳфуздан дунё осмонидаги Байтул-изза – «Иzzат уйи»га яхлит ҳолида айнан Рамазон ойида туширган. Кейин

унинг илк ваҳийсини Байтул-иззадан ер юзига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига ҳам Рамазон ойида нозил қилган.

تَبَّ يَفَعُضُوفَ رَكَذَلِ نَمُنْ أَرْقُلِ لَصُفَ : لَأَقِ أُمُّهُ نَعُهُ لَلِ يَضَرَّ سَابَعِ نَبِ اِنَعِ  
أَلِ تَرَّتْ هُ لَتَرِّي [يَبِنِ اِلَعِ هَبُ لَزْنِي لِي رُبِحَ لَعَجَ فِ اِي نَدِلِ اِءَامَّ سَلِ اِنَمِ ةُ زَعَلِ اِ  
مُ كَأَحْلِ اِ هَاوَرِ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Қуръон зикрдан ажратилиб, дунё осмонидаги Байтул-иззага қўйилди. Сўнгра Жаброил уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб тушиб, тартил қилиб берадиган бўлди».

Ҳоким ривоят қилган.

فِ اِي نَدِلِ اِءَامَّ سِ اِلِ اِءِ حَاوِ ةُ لَمُ جُنْ اَرْقُلِ لَزْنُ اُ : لَأَقِ أُمُّهُ نَعُهُ لَلِ يَضَرَّ سَابَعِ نَبِ اِنَعِ  
اِنَامِ اِي اِلِ اِءَامَّ سِ اِلِ اِءِ حَاوِ ةُ لَمُ جُنْ اَرْقُلِ لَزْنُ اُ : لَأَقِ أُمُّهُ نَعُهُ لَلِ يَضَرَّ سَابَعِ نَبِ اِنَعِ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Қуръон дунё осмонига Қадр кечасида бир йўла нозил қилинди. Сўнгра, ундан кейин йигирма йил мобайнида бўлиб-бўлиб нозил қилинди».

*Байҳақий «Шуъабул-ийман»да ривоят қилган.*

Юқорида ўтган Духон ва Қадр суралари оятларида зикр қилинган нозил бўлиш ушбу ривоятда келган биринчи нозил бўлишдир.

Демак, Қуръони Каримнинг ҳар икки нозил бўлиши ҳам Рамазон ойида бўлган. Бу ойни Аллоҳ таолонинг Ўзи Ўз Каломи учун танлаган ва хослаган.

2) Рамазон – Қуръон ойи! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойини Қуръон ойи қилиб нишонлар эдилар.

اِنَا ضَمَرَ رَكَذَلِ مَلِسُو هِي لَعِ هَلِ لِ اِلِ لِ اِلِ لُ وُسَرِ نِ اِ : فِ وَعُ نَبِ نَمَحْرَلِ اِدْبَعِ لَأَقِ  
هُ اِي قِ نِي مَلِسُ مَلِلُ تَنْ سِ يَّ نِ اِوِ ، هُمَا اِي صُهُ لَلِ اِلِ ضَرَّتْ اُرَّ شَ نَا ضَمَرَ نِ اِ : لَأَقِ فِ  
هُ اُهُ ةُ تَدَلِ وِ مَوِي كِبِ نَدِلِ اِنَمِ جَحَّ حُ ةُ اِقِ وُ ةُ اَصِ نَمَفِ

Абдуррахмон ибн Авф разияллоҳу анҳу айтади:

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазонни зикр қилиб туриб: «Албатта, Рамазон Аллоҳ рўзани фарз қилган ойдир. Мен мусулмонларга унинг қиёми (тунги ибодати)ни суннат қилдим. Ким унинг рўзасини тутса, қиёмини адо қилса, ундан онаси туққан кундек гуноҳдан пок бўлиб чиқади», дедилар».**

*Ибн Хузайма ривояти.*

Маълумки, қиём, яъни тунги намоз асосан қироати узунлиги билан «тик туриш» маъносидаги «қиём» сўзи билан ном олган. Шунга биноан айтиш мумкинки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рамазон ойи қиёмини суннат қилишларида бу ойнинг айнан Қуръон ойи эканига ишора бордир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида бошқа пайтлардагидан кўп ибодат қилар, жумладан, тунги намозларидаги қироатларини ҳам одатдагидан узун қилар эдилар.

نَا ضَمْرًا مَرَّةً لَيْلِي فَمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِي بِنِ اللَّيْلِ تَأْتِي : لَأَقَوَّ فِي دُحْنٍ نَع  
ءَايَرُبُّ لِكُلِّ أَوْ تَوْرَبَّ جَلَّ أَوْ تَوَكَّلَ مَلًا وَذَرَبُ كَأَهْلًا : لَأَقَرَّبُكَ أَمَلَفَ ، يَلِي صِي مَأَقَفَ  
السَّالِي فِي وَخْتِ عَيْبِ رُؤْيِي آلَ ، نَأْرَمَعَلْ أُمُّ ، عَأَسِّنْ لَأُمُّ ، عَرَقَبَلْ أَرْقُ مُمُّ ، مَطْعَلْ أَوْ  
عَفَرُّ مُمُّ ، أَمَائِقَ نَأَكْ أَمَلْ شِمُّ ، مِي طَعْلُ أَلِي بَرَّ نَأْحَبُّ سُمُّ : لُؤُقِي عَكْرُ مُمُّ ، أَهْدَنَ عَفَقِ  
دَجَسُّ مُمُّ ، أَمَائِقَ نَأَكْ أَمَلْ شِمُّ ، دُمَحْلُ كَلْ نَأَبْرُ دَمَحْ نَمَلْ هَلْ لَأَعَمَسُ : لَأَقَفُ هَسُّ أَرْ  
رَفْعُ بَرَّ : لَأَقَفُ هَسُّ أَرْ عَفَرُّ مُمُّ ، أَمَائِقَ نَأَكْ أَمَلْ شِمُّ ، لُؤُقِي دَجَسُّ مُمُّ : لُؤُقِي  
أَمَائِقَ نَأَكْ أَمَلْ شِمُّ ، لُؤُقِي دَجَسُّ مُمُّ ، أَمَائِقَ نَأَكْ أَمَلْ شِمُّ ، يَلِي  
عَالِ صِلَابِ هَنَدَافُ لَأَلْبِ عَأَجِ تِي حَنِّي تَعَكْرُ أَلِي لَصِ أَمَفَ ، مَأَقَفُ هَسُّ أَرْ عَفَرُّ مُمُّ

Хузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Рамазонда бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бордим. У зот намоз ўқишга турдилар. Такбир айтганда: «Аллоҳу акбару Зул-малакути вал-жабарути вал-кибрияи вал-ъазома» дедилар. Кейин Бақарани, кейин Нисони, кейин Оли Имронни ўқидилар. Бирор қўрқитув оятидан ўтсалар, унда тўхталар эдилар. Кейин рукуъ қилиб, тик турганлари миқдорича «Субҳана роббиял-ъазим» дедилар. Кейин бошларини кўтариб, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ. Робана лакал-ҳамд» дедилар. Кейин сажда қилиб, тик турганлари миқдорича «Субҳана роббиял-аъла» дедилар. Кейин бошларини кўтариб, тик турганлари миқдорича «Роббиғфир ли» дедилар. Кейин сажда қилиб, тик турганлари миқдорича сажда**







نوعرقىو ، ةعكر نىرشعب ناضمرىف نوموقى اوناك مهأ : اضىأ بئاسلا نعو باطخلا نبرمع نامزىف يصعلا لىلع نودمتعى اوناك مهأو ، نآرقلا نم نىئىملا ب هنع هللىضر

Соибдан ривоят қилинади:

**«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг замонида Рамазонда йигирма рақъат қиём қилишар ва Қуръондан икки юз оят ўқишар эди. Ҳассага суяниб қолишар эди».**

*Муҳаммад ибн Наср Марвазий «Қияму Ромадон» асарида келтирган.*

Демак, саҳобаи киромлар Рамазонда кўп намоз ўқиганларидан, қироатни узоқ қилганларидан ҳассага таяниб қолишар экан. (Бошқа бир ривоятда "Яқин субҳгача ўқишар эди", дейилган.

Бу борада жуда кўп ривоятлар келган, биз улардан айримларини зикр қилиш билан кифояландик.

4) Рамазон – Қуръон ойи! Ислом умматининг уламолари, пешволари, буюклари бу ойни Қуръон ойи сифатида ўтказишган.

Имом Зухрий Рамазон ойи кирса: «Бу ой Қуръон қироатидир, таом улашишдир», дер эди.

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ Рамазон ойи ичида ўттизта, бир ривоятда олтмишта хатм қилар эди.

Ибн Ҳакам айтади: «Имом Молик Рамазон кирса, ҳадис ўқиш ва илм аҳли билан мажлис қуришдан қочар эди», яъни Қуръонга берилиб кетар эди.

Абдурраззоқ айтади: «Суфён Саврий Рамазон кирса, барча ибодатларни тўхтатиб, Қуръон қироатига киришар эди».

Суфён айтади: «Зубайд Ёмий Рамазон келса, мусҳафларни келтириб, асҳобларини тўплар эди».

Асвад раҳимаҳуллоҳ Рамазондан бошқа пайт Қуръонни олти кечада бир хатм қилар, Рамазонда эса ҳар икки кечада хатм қилар эди.

Қатода раҳимаҳуллоҳ одатда етти кунда бир хатм қилар, Рамазон ойида уч кунда бир, охирги ўн кунлик бўлганда эса, ҳар кеча хатм қилар эди.

Имом Нахаъий ҳам Рамазон ойида ҳар уч кунда, охирги ўн кунликда эса ҳар кеча Қуръонни хатм қилар эди.

Рабиъ ибн Сулаймон айтади: «Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий Рамазон ойида олтишта хатм қилар, уларнинг бирортаси намоздан ташқарида бўлмас эди», дейди.

Имом Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ Рамазонда ҳар куни шом билан хуфтон орасида Қуръони Каримни хатм қилар эди. Улар хуфтонни кечанинг тўртдан бири ўтгунча кечга суришар эди.

Алий Аздий ҳам Рамазонда ҳар куни шом билан хуфтон орасида Қуръони Каримни хатм қилар эди.

Имом Молик айтади: «Рамазонда Умар ибн Ҳусайннинг ёнида намоз ўқийдиган одам менга хабар қилдики, у киши ҳар кеча Қуръонни янгидан бошлар экан».

Ҳофиз ибн Асокирнинг ўғли отаси ҳақида: «Ҳар жума хатм қилар эди, Рамазонда эса ҳар куни хатм қилар эди», деган.

*Мулоҳаза: Салафи солиҳларнинг Қуръони Каримни уч кундан оз муддатда хатм қилишлари суннатга хилоф дейилмайди, чунки уларга Аллоҳ таоло махсус қувват берган, вақтларига барака ато этган, улар мазкур натижаларга Қуръони Каримни шошмасдан, тушуниб, тафаккур ва хушув билан тиловат қилиш билан бирга эришганлар. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, улар ўшандай мартабага эришганлари учун шундай кўп ўқишган эмас, балки Қуръони Каримни кўп ўқиб, кўп ибодат қилганларидан Аллоҳ уларга ўшандай мақомоларни ато этган.*

5) Рамазон – Қуръон ойи! Ислом уммати ўзининг илк давридан ҳозирги кунгача бу ойни Қуръон ойи сифатида нишонлаб келади. Ҳозирда мусулмонларнинг қибласи бўлмиш Каъбаи Муаззамадан тортиб энг кичик масжидларгача деярли барча юртларда Қуръон тиловатлари, хатмлари йўлга қўйилган. Жумладан, азиз ватанимиз Ўзбекистонда ҳам 2000 дан ортиқ жомеъ масжид бор бўлиб, аксаридида хатми Қуръонлар ўтказилмоқда.

Рамазон ойи Қуръон ойи экан, уни Роббул-оламиннинг Ўзи шундай таъйин қилган экан, инсоният учун энг улуғ намуна бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойни Қуръон ойи қилиб ўтказган эканлар, башарият тарихида ўчмас из қолдирган, ўз даврида инсониятнинг етакчи намояндалари бўлган саҳобаи киромлар ва тобеъинлар бу ойни Қуръон ойи

қилиб нишонлаган экан, демак биз ҳам Рамазон ойини чин маънода Қуръон ойи қилиб ўтказишимиз лозимдир. Шундагина биз Аллоҳга ва У Зотнинг Расулига итоат қилган, салафи солиҳларимизга эргашган ҳамда шараф йўлини тутган бўламиз, иншоаллоҳ.

Бу маънода қуйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

- 1) Қуръони Каримни кўп ўқиш. Иложи бўлса, кечқурун намозга ўқимоқчи бўлганини кундузи Қуръонга қараб ўқиб олиш яхши бўлади.
- 2) Қуръони Каримдан ёд олиб, унут бўлган оят ёки суралар бўлса, уларни такрорлаб тиклаб олиш.
- 3) Қуръони Каримдан ёд олмаган жойларини ёд олиб, ўзлаштириб олиш.
- 4) Қуръони Каримдан билганларини мутсаҳамлаб, такрорлаб, жамлаб, пухталаб олиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссалом билан дарс қилишлари бунга энг катта намуна бўлади.
- 5) Қуръони Карим тиловатига тунда кўпроқ вақт ажратиш. Зотан кечқурун сокинлик бўлади, халақит берувчи омиллар кам бўлади, очлик, ташналик бўлмайди. Муҳими, тунги ибодатнинг савоби кўп бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Жаброил алайҳиссалом билан, юқоридаги ривоятда келганидек, тунда ўқишганлар.
- 6) Жамоатлардаги хатмларга қатнашиш. Бунда мусулмонларнинг байрамларига, дуоларига шерик бўлиш ҳам бор. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу саҳобаларни бир қорининг ортига жамлаб қўйганлар ва «Агар бу бидъат бўлса, қандай яхши бидъат!» деганлар. Убай ибн Каъб ва Тамим Дорий розияллоҳу анҳумо имом бўлиб, кишиларга бир ой мобайнида таровихда Қуръони Каримни хатм қилиб берар эдилар. Саҳобаи киромларнинг ҳаммалари бу ишни маъқуллаганлар ва бутун Ислом уммати бир овоздан қабул қилган.
- 7) Жамоат хатмларига қатнайдиган киши кечқурун тинглайдиган сураларини кундузи мусҳафдан бир кўриб олса, яна\_да яхши бўлади. Имкони бўлса, уларнинг маъно ва тафсирларини ҳам ўқиб олса, нур устига нур бўлади.



**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Рўза ва Қуръон бандага шафоатчилик қилади. Рўза: «Ё Раббим! Мен буни кундузлари емоқ ва шаҳватдан тўсганман, унинг ҳақидаги шафоатимни қабул қил», дейди. Қуръон: «Ё Раббим! Мен уни кечалари уйқудан тўсганман, унинг ҳақидаги шафоатимни қабул қил», дейди. Шунда икковининг ҳам шафоати қабул қилинади».**

Аллоҳ таоло барчамизга Қуръони Каримнинг ва Рамазон рўзасининг шафоатни насиб этсин!

Рамазон ойи барчамиз учун чинакам Қуръон ойи бўлсин!

*Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид*